



ХАЛҚ ҚАЧОНГАЧА ҚИЙНАЛАДИ?

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР, САВДО ҲАМДА ДЕҲҚОН БОЗОРЛАРИ БОШ
БОШҚАРМАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИГА

ОЧИҚ ХАТ

Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратлари: **Менга қилса юз жафо бир қатла фарёд айламон, Элга қилса бир жафо юз қатла фарёд айларам**, — деган эканлар. Ҳа, вазири аъзам Алишер Навоий жаноблари ушбунинсоний туйғулар билан бир қаторда ўз мавқе-мансаб даражалари нуқтаи назаридан туриб ҳам айтганлар. Мазкур нуқтаи назарни ривожлантириб, мансабдорлардан тортиб то оддий фуқароларгача:

Одавий эрсамг демагил одамин
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғамин, —
дея барчани эзгуликка чорлаганлар.

У зоти шарифнинг авлодлари бўлмиш биз бу сўзларни шир қилиб олдик. Лекин минг афсуски, бунини ҳуснихат билан қизил матога ёзиб, кўчаларга илиб қўйдигу, юрагимизга ёзиб олмадик. Тилимиз бошқаю дилимиз бошқа бўлиб, мунофиқликни ўзимизга эп кўрмоқдамиз. Балки бу сўзларимни ҳақорат деб биларсиз, аммо ҳақ сўз билан ҳақоратли иборанинг фарқи етиш керак.

Энди мақсадга очиқроқ ёндошсан. Қайта қуриш деб номланган, лекин амалда қайта қуриштишга айланиб қолган ҳозирги иқтисодий танглик даврида меҳнат аҳлига, ҳалол одамларга янада қийин бўлмоқда. Ўзингиз уйланг, одамнинг қадридан бошқа ҳамма нарсанинг нархи фазогирдан ҳам баланд ўрлади. Чайқовчилар худди отасидан меросга олгандек истаган баҳосини қўйиб, бирни ўнга

пулламоқдалар. Яна ҳеч кимдан ҳайинмай, очиқчасига. Ижтимоий мулкни талон-тарож қилинишига қарши курашувчилар — БХСС ходимлари бу борада етарли чоралар кўра олмаётirlar. Аввал «бурда»ни урган савдо ходими, чайқовчи ва бошқа «учар»лар эндиликда «хўрда»сини ҳам урмоқда. Айниқса, кийим-кечак, тамаки, қаҳва, ҳинд чойи, матолар, спиртли ичимликлар, гўшт маҳсулотлари бўйича қаллобликдан «докторлик» диссертациялари ёқланмоқда. Тошкентдаги пештоқига «Деҳқон бозори» деб ёзиб қўйилган жойлардан истаганингизга қиринг, бунинг гувоҳи бўласиз. 100 граммлик қаҳва 27-35 сўм, 50 граммлик бир юмалоқ чой 3 сўм, бир қутича сигарет 2-5 сўм. Чайқовчилар бу нарсаларни Бразилия, Ҳиндистон ёки Булгариядан олиб келишмагандир? Лекин ички ишлар, хусусан, БХСС ходимлари бу аҳволга лоқайд қарамоқдалар. Бозордаги мутасаддиларнику, айтмасак ҳам маълум: «патта»сини олишдан бўлак ташвишлари йўқ. Энг қизиги, тамаки маҳсулотлари ташкилотлар орқали ишлайдиганларга, дўконлар орқали эса пенсионерларга тарқатилиши керак. Аммо озинқовқат савдо идоралари, унинг омбору дўконларидаги «хотамтой»лар: «оворагарчиликнинг нима кераги бор, яхшиси ҳамма бозордан олсин», деб чайқовчига қўшқўллаб топшираётганга ўхшайдилар. Бундай қаллоблик савдонинг барча тармоқларида мавжуд ва шу боисдан ҳам «Тошкент

отчопари» камёб моллар билан тўла. Ишонмасангиз, дам олиш кунлари бир бориб кўринг. Бошқа кунлари «Эски шаҳар»ни айланинг.

Қайси касбда, қандай мансабда бўлмайлик, сизу биз энг аввало оталаримиз. Бизнинг энг биринчи вазифамиз фарзандларимиз келгуси учун қайғуриш. Хўш, биз нима иш қилаямиз? 2 яшар боланинг пальтоси (савдода йўқ) чайқовда 150 сўм, оёқ кийими 50-60 сўм, жемпер 100-110 сўм. Хўш, бу нарсаларни чайқовчи қайда олаётми? Ўғил уйлантираман, қиз чиқараман деб ўзбекнинг жонида жон қолмаяпти. Бешик тўйи қилса, дўкондан улуш ололмаяпти. Нима эмиш, «бешик тўйи» расм-русумга, тўйга ҳисобланмас эмиш. Бозорда битта ёпилган нон 50 тийин, патир 1 ярим сўм. Нега? Чунки бир қоп унни новвой 50 сўмга олаётми дўкондан. Спиртли ичимликлар фақат талон орқали сотилиши керак. Хўш, унда бир шиша ароқни 25 сўмдан, винони 8-10 сўмдан сотаётган чайқовчи қайдан олаётми?

Рўзгор учун зарур бўлган дазмол, музлатгич, чангютгич, телевизор, гиламу пояндозлар кейинги бир йил ичида жуда камёб бўлиб қолди. Лекин чайқовда истаганча топилади. Шу билан бирга ҳўжалик анжомлари савдо идорасининг омборлари ҳам бу рўзгор буюмларига лиқ тўла. Аммо дўконлар қуп-қуруқ. Нима, бу сунъий тарзда тақчилликни юзага келтиришми? Бу қабиҳликка ким фатво берган? Дўконда йўқ, аммо омборлардан, чайқовдан

икки-уч баробар нархда доимо топиш мумкин. Умуман бу анжомларнинг сотилиши ҳақида халққа аниқ маълумот берилиши шарт.

«Деҳқон бозор»лари кимлар учун? Албатта, деҳқонлар учун. Хўш, унда қаҳва, олмос (лезвие), сақич, сигареталарни отасининг нархида пуллаётган нусхалар ҳам «деҳқончилик маҳсулотлари»ни сотаётган ҳисобланадиларми?

Жумҳуриятимиз раҳбарлари, жумладан, Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VII сессиясида аҳолини зарур маҳсулотлар билан таъминлаш юзасидан кўрилатган тадбирлар ҳақида куйиниб сўзлади. Ўзбекистон ҳукумати бу борада жон-жаҳди билан иш олиб бормоқда. Аммо шаҳар ва туман миқёсларидаги мутасаддилар, хусусан, ички ишлар, савдо тармоқларидаги масъул ходимларнинг кўпчилиги «дунёни сув босса, ўрдакка не ғам» қабилида иш тутмоқдалар. Охир-оқибатда раҳбарларимиз сўзлари эл назарида ёлгонга ўхшаб қолмоқда.

Энди иссоф юзасидан жавоб беринг: бу аҳвол қачонгача давом этади? Халқ қачонгача қийналади? Бу кетишнинг оқибати нима билан тугашини ҳеч ўйлаб кўрдингизми?

Ушбу очиқ хатга очиқ жавоб берилиши керак. Токи пойтахт аҳолиси ҳақиқий аҳволни билсин. Токи ҳақиқий айбдорлар ўз жафосини олсин.

Дилмурод САИДОВ,
журналист.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

«МАЗА ҚИЛИБ» ДАМ ОЛДИ...

Шаҳримизнинг Ленин туманида яшовчи нафақахўр Д. Мацинюк телевизор кўриб ўтирган эди. Қарилик курсин, «ухлаб қолганми, ё бошқа иш билан алаҳсиганми, ишқилиб, телевизор ўзини «сайрай-сайрай» портлаб кетди. Енгин натижасида бионинг 150 квадрат метр майдондаги шифти қора кукунга айланди. Яхшики, хонадон соҳибаси жароҳатланмади.

«АЛКАШЛАР»

нархи 36 минг сўмлик 3 минг 600 литр винони сипқормоқчи эдилар. Булуғур вино ишлаб чиқариш муассасаси 4-цеҳининг мудирин билан «шартнома» тузган ҳайдовчи Х. Раҳмонов ва сотувчи Д. Эргашевлар цеҳ остонасида «жаннат суви»дан айрилдилар. На илож, энди кўздан оққан ёшларни симиришга тўғри келадиганга ўхшайди.

ИТ

Уни ит дедигу, итни ҳафа қилдик. Ит ҳам ундан онглироқ. Уни одам десак, одамзодни ерга қорштирган бўламиз. У одам эмас. Ахир, разиллик ҳам эви биланда.

Совет туманида яшовчи Р. Нуритдинов 2 июлдан октябрь ойигача пичоқ билан кўрқитиб, ўн уч ёшли қизини...

Кечирасиз, у ёғини ёза олмаيمان...

Э. САТТОРОВ.

МУҲАРРИРГА МАҚТУВ

ОБУНА БЎЛАЙМИ

ЕКИ ЙЎҚ?

Ҳурматли муҳаррир! Рўзномангизни азбаройи ҳурмат қилганимдан ушбу хатни ёзаяман. Уни севиб муталаа қиламан (тополганимда, албатта). Аслида ушбу номани битишимдан мақсад эса бу эмас. Мен рўзномага март рйида обуна бўлган эдим. Ишонасизми-йўқми, ўтган вақт мобайнида ўнтага яқин сонини олдим, холос. Туман алоқа бўлими бошлиғига қадар бориб, арз қилдим. Фойдаси бўлмапти. Вилоятдан кам жўнатишармиш. Шаҳар яқин бўлса экан, дўкондан олиб ўқисам. Уйлаб-уйлаб алам қилганидан шу хатни ёзишга мажбур бўлдим.

Мен бир нафақахўр аёлман. Нафақа пулимга обуна бўлган эдим. Бунчалик ҳам эмасда, энди. Уқигиси келганлар ўзлари ёзилишса бўлмасмикин, менга ўхшаганларникини ўмармасдан. Рўзномада чоп этилган «Мен покликка ҳаракат қилдим» номи мақоланинг 19, 22 октябрь сонларидаги қисмларини ўқидим. Давомини эса тополмадим. Шунга алам қилиб ўтирибман.

Муҳаррир укам, Зокиржон, рўзномага обуна бўлгани келмаяпти. Алоқа бўлимида аҳвол бу бўлгач... Шундай дейману «Постда»ни барибир ўқигим келаверади. Сиз нима маспахат берасиз?

Ҳабиба ая НОРХУЖАЕВА,
Гулистон тумани.



Милиция лейтенанти Ғулумжон Охунонинг ИИБда ишлайётганига кўн бўлгани йўқ. Аммо шу давр ичида оддий милиционерликдан вазод командирлигига кўтарилди. Ҳозир 40 га яқин ходимларга бош бўлиб, шаҳар кўчаларида тинчликни сақлаш юзасидан сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Ғулумжон ўз ишида халқнинг мададига таянади. Улар орасида турли мавзуларда мулоқотлар ўтказида. Яқинда 9-автокорхонада, автойўл меҳбазада, 3-автосаройда бўлиб, ҳайдовчилар билан йўл ҳаракатларига онд суҳбатлар уюштирди.

Суратда: Ғулумжон ОХУНОВ.

АКС-САДО

КИМГА ИШОНАЙЛИК?..

Ҳурматли муҳарририят! Мен яқинда, аниқроғи «Постда» рўзномасининг 5 ноябрь сониде чоп этилган «Ишонмайман» номли мақолани ўқиб қолдим.

Мақола ҳажм жиҳатидан кичик, бироқ унда кўтарилган муаммо, аксинча — жуда улкан. Мақола ҳақида «Оқшом тўлқинларида» эшиттириши ходимлари ҳам овозингори орқали ўз фикрларини билдириб ўтидилар.

Муаллиф қарашларига тўлиқ қўшилган ҳолда мен ўзимнинг баъзи бир фикрларимни айтиб ўтишни лозим толдим.

Қонунларимиз ҳақиқатдан ҳам бўшдир. Лекин уларнинг ўрнини босадиган бошқа қонунлар йўқ-ку. Шундай экан, мавжудларининг ижроси қандай бўлаётганлиги ҳақида бир оз бўлсада, ўйлаб кўрайлик. Хўш, бу борада ишлар қандай? Афсуски, мутлақо қониқарсиз.

Масалан, давлат тили тўғрисидаги қонунни олайлик. Нима ўзгарди? Ҳеч нарса! Нима, бир-икки кўчанинг номи ўзбекчалаштирилгани билан олам гулистонми? Юқоридаги мақола муаллифи ҳақ гапни айтган.

Еки бошқа бир мисол. Жумҳуриятимиз мустақиллиги эълон қилинганидан буён ордан икки ярим ой ўтди. Лекин ҳамон айрим муассасалар номи ёзилган ларҳалар «УзССР...» деб бошланади. Ахир, лоқайдликнинг ҳам чеки-чегараси бордир?

Айрим ташкилот, муассаса раҳбарлари ҳали ҳам «юқори»дан кўрсатма кутишади. Қонунга амал қилинг дейишса, бажаришади, қонун ўз йўлида дейишса...

Келажагидан умидвор халқ кимга ишонсин!

Абдували САФАРОВ,
талаба.

ХОНАДОН ЎҒРИЛАРИ ҲАҚИДА

ЭШИК ОРТИДА КИМ?

Рисмлари Ш.Рахматов чизган

— Кўпчилик қароқчи сўзини эшитганда, соқоллари ўсиб кетган бесўнақай одамни — Хўжа Насриддин кинофильмидаги бағдодлик ўғри каби қиёфага эга бўлган кимсани кўз олдида келтиради, — дейди жумҳурият ИИБ «Қўриқлаш» бирлашмаси ташкилий-таҳлил бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Валерий Ашихмин.

— Бугунги замонавий ўғрилар эса ана шу тасаввурдаги кимсадан туриш-турмуши билан кескин фарқ қилади.

Бирлашмамизнинг бўлинмалари Ўзбекистонимизнинг турли-туман қишлоқ ва шаҳарларида ана шундай нопок кимсаларга дуч келиб туришади. Фош этилаётганлар орасида тракторчилар, зиёлилар ва жамоа хўжалиги аъзолари, ҳатто спортчилар ҳам топилади.

Келинг, яхшилаб бир ўйлайликда, уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган жиҳатга асосланиб, замонавий ўғриларга таъриф берайлик. Демак, у аксарият ҳолларда башанг кийинган, жисмоний бақувват йигит. Кўпинча ўзига яраша (пичоқдан тортиб то кўз ёшлан-тирувчи газ баллончаси ҳамда ўқотар қурол билан) таъминланган бўлади.

Баъзан эса улар орасида аёлларни ҳам учратиш мумкин. Башанг кийинган бу «хоним»лар кўча-кўйда биқиниб олиб, ўз ҳамкасбларини — эркакларни қўриқлаётган бўлишади.

— Гиламлар, биллур буюмлар ва шунга ўхшаш нарсаларни катта миқдорда ўмаришнинг ўзи бўл-

майди. Қўни-қўшнилари сезиб қолишлари мумкин...

— Ҳозирги ўғрилик услуби шундайки, видеомагнитофонни орқалаш билангина чекланиб қолмай, ҳатто музхоҳани ҳам шипшийдан қилиб кетишади. Ўғри ҳам тирик жон, у ҳам лазиз таомларни тановул қилгиси келади.

Улар учун энг ёқимлиси — компьютер ёки чет элда тайёрланган маиший телерадиоаппаратуралар. Агар шундай буюмлар озгина бепарқлик билан сақланса борми, ўғриларнинг кунни туғди, деяверинг. Улар ноёб қобилиятга эгаларки, унингизда нималар қаерда туришини худди сиз каби яхши билишади.

Ўғриларнинг яна бир ўзларига хос томонлари бор: ҳаддан ташқари сурбетликни ўзлаштириб олишган ҳамда ҳеч нарсадан қўрқинмайди. Ўтган йиллар давомида улар қўлга олиш гуруҳидан қочиб қўтилиш ниятида баланд қаватли уйлар айвонидан сакраган, томларнинг устида юрган, бошни айлантириб юборадиган даражада баланд жойлардан сирғалиб тушган ҳолларини кўрганмиз.

— Бундан ташқари улар милиция ходимларини ўқ отиб қўтиб олишдан ҳам тойинмас керак?

— Саволингизга жавобан бир-иккита мисол келтирмайман. Бухородаги Файзулла Хўжаев тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими марказий пультага муҳофазадаги Б. С. хонадонига ўрнатилган ташвиш-огоҳдан сигнал тушди. Воқеа жойига марказий қўриқлаш пулти навбатчиси, милиция катта лейтенанти К. Ҳамроев, милиция сержантлари С. Ҳамроев, С. Бобожоновлардан иборат гуруҳ етиб борди.

Унинг ичида беркиниб олган номаълум кимса: «Яқинлашма, мент, ўлдираман!» деди ва милиция сержантлари С. Ҳамроевга пичоқ билан ташланди. У ҳавога қараб узилган огоҳлантирувчи ўққа парво ҳам қилмади. Ҳаёти хавф остида қолган милиционер ўзини бостириб келаётган безоридан олиб қочинишга ва шу аснода уни мўлжалга олиб отишга мажбур бўлди. Муқаддам икки марта судланган қароқчи — 1964 йилда туғилган А. Содиқов касалхонада жон берди.

Бу иш билан туман прокуратураси шуғулланди ва ўзини ҳимоя қилатуриб қуролдан фойдаланишга мажбур бўлган милиционернинг ҳатти-ҳаракатини тўғри деб баҳолади.

Ярим кечада Ангрен шаҳри ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари фуқаро М. В. хонадонига номаълум кимсалар кирганидан огоҳ бўлдилар. Зудлик билан етиб борган қўлга олиш гуруҳи аъзолари эшик синдирилганини кўришди. Эҳтиёткорлик билан ичкарига киришди. Шу пайт номаълум шахс югуриб чиқдида, милиционерлардан бирига ташланиб, бўға бошлади. Аммо у ниятига етолмади. Қўлга олинди. Маълум бўлишича, у муқаддам судланган, ўз ҳолича жазо муддатини ўтаётган жойдан қочган С. Манилов экан.

Ўйлаيمانки, бу ерда ҳеч қанақа изоҳга ҳожат бўлмас керак.

— Валерий Фёдорович, хонадонни ўмаришга чоғланганлар саноқли дақиқалар ичида йиллар давомида мисқоллаб йиғилган бойликларни йўққа чиқаришлари мумкин. Кўпинча бундай ҳолларда милиция маҳорати ҳам иш бермай қолади. Шунинг олдини олиш учун, яъни хонадонни, аниқроғи қимматбаҳо буюмлар хавфсизлигини таъминлаш учун нима қилиш керак?

— Биринчидан, эшикларни мустаҳкамлаш керак. Кўпгина ҳолларда эшиклар жуда ҳам нобоб бўлади. Ваҳоланки, асосан ўғрилар ана шу эшиклар орқали ичкарига кириб боришади.

Иккинчидан, ишончли қулфлар ўрнатиш керак. Ҳозир топширилаётган уйларда эшикларга ўрнатилган қулфларни аёллар туғноғичи билан ҳам очиш мумкин. Бу тажрибали ўғрилар учун ҳеч нарсасиз.

Энг муҳими — ташвиш-огоҳ ўрнатиш!

Бугунги кунда 197 мингдан ортиқ хонадонлар жумҳурият қўриқлаш бўлинмалари томонидан ташвиш-огоҳ воситасида муҳофазага олин-

қолаверса, моддий зарар кўрилади.

— Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики...

— Саволингизни тушундим. Яқинда «Постда» рўномасида жумҳуриятда жиноятчиликнинг аҳволи, шу жумладан хонадон ўғирлиги ҳақидаги расмий маълумот эълон қилинди. Унда кузатилишича, бу йил 8 мингдан ортиқ хонадонда ўғирлик содир этилган. Шулардан атиги 4 таси қўриқланаётган хонадонлардир.

Ўғри қаерга бораётганини ва нимани ўғирлаш кераклигини яхши билади. Уларда мўлжалга олиш ёмон эмас — бу ҳаммага аён. Баъзан эса билиб-билмай уларга ўзимиз ёрдам бериб қўямиз. Келинг, реклама ва эълонга кўп ўрин берадиган жумҳурият рўномаларидан бирининг тахламларини варақлаб кўрайлик. Чет элда тайёрланган ва сотиладиган видеоаппаратуралар ва ҳатто кийим-кечаклар кимда борлиги ёзилган бўлади. Яна ўша буюмларнинг эгаси қайси пайтларда уйда бўлиши ҳам кўрсатилган. Шундай



ган, 87 минг 736 хонадонга ўрнатилган бундай «қўриқчи» эса марказий қўриқлаш пультага уланган. Айтилик, сиз ишга, ўқишга, меҳмондорчиликка бормоқчисиз. Ёхуд меҳнат таътилида дам олишга жўнамоқчисиз. Марҳамат, сизга оқ йўл. Фақат ташвиш-огоҳни пультага улашнинг эсдан чиқармасангиз бўлгани. Худо кўрсатмасин, мабодо чақирилмаган «меҳмон»лар ичкарига кирмоқчи бўлишса, тинчлик посбонлари дарҳол билишади. Бир неча сония, эътибор беринг, дақиқа эмас, сония ичида қўлга олиш гуруҳи чақирилмаган «меҳмон»лар «истиқбол»ига етиб боришади. Чунки астойдил ишламаслик қўриқлаш хизматига қимматга тушади. Аввало ходимларимизнинг эғнидаги формаларига ярашиқсиз иш бўлади,


экан, юқоридаги мисолга ҳайратланмаслик мумкин.

— Уйга ташвиш-огоҳ ўрнатиш маълум миқдорда сарф-ҳаражатни талаб қилади...

— Имкониятга қараб бу ишни қилиш керак, қолаверса унга тўланадиган ҳақ жуда ҳам ошиб кетмаган. Бунга ҳам илож бўлмаган тақдирда алоҳида ташвиш-огоҳ ўрнатиш лозим. Агар бемаврид биров уйга кирмоқчи бўлса, унинг қўнғирроғи кўпчиликка эшитилади.

Илож борица ўзни эҳтиёт қилган, қўшнини ўғри тутмаган маъқул. Бунинг учун бир-бирдан 20-25 сантиметр узоқликда қўшимча қулфлар ўрнатиш даркор. Ва ниҳоят, нотаниш кишиларга эшикни очманг!

Суҳбатдош Р. Элшодов.



ТИНИМ БИЛМАС УЧАСТКА ВАКИЛИ



Жиноятчи унсурлар фаолиятига тўсқин қўйиш кўп жиҳатдан жойлардаги участка инспекторлари ишига боғлиқдир. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борила ўз-ўзидан жамиятимиздаги бу иллат камийиш мумкин.

Участка катта инспектори милиция майори Носир Саидазимов меҳнат қилаёт.

ган Қибрай ИИБ жамоаси бу киши номини илиқ сўзлар билан тилга олади. Носир Саидазимов тез-тез тумандаги жамоа хўжаликларидан, ишлаб чиқариш корхоналарида, маҳалларда бўлиб туради.

У 1966 йилдан бери сермашаққат соҳа — милиционерлиқни эъзозлаб келмоқда. Участка инспекто-

ри сифатида 12 йилдан бери фаолият кўрсатяпти. Бу йил участка катта вакили милиция майори Носир Саидазимов қарамоғидаги ҳудудда 9 та жиноят содир этилган бўлса, уларнинг ҳаммаси ҳам очилди. Шундан билиниб турибдики, участка катта вакили бутун масъулиятни ҳис қилган ҳолда меҳнат қиляпти, ўз вазифасини виждонан бажаряпти.

Носир Саидазимов ўтган давр мобайнида 100 дан ортиқ шугирд тайёрлади. У милиция аълочилиси кўкрак ишонига эга. Хизмат кўрсатган милиция участка инспектори Носир Саидазимов «Бенуқсон хизматлари учун» медалининг уччала даражаси билан тақдирланган.

Ҳабибулла ШОДИЕВ:

СУРАТДА: участка катта вакили милиция майори Носир Саидазимов «Полимер» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 5-участкаси ишчи-хизматчилари давра-сида.

Муаллиф олган сурат.

ПУЛ ҚҰРСИН-А, ПУЛ ҚҰРСИН

— Биласан, «Жигули»им бор. Шунга эҳтиёт қисмларни қаердан топсам бўлади?

— Агар истасанг машинангга Қўқонга борамиз. У ердаги танишларимдан топиб беришим мумкин.

— Ростданми, ундай бўлса кетдик.

— Бироқ менга 300 сўм қарз бериб турасан. Қўқонга етиб борган, у ердаги ўртоқлардан олиб бераман, топила-маса, қайтганимизда бераман. Уйимни биласан-ку.

— Бўпти, келишдик.

Икки дўст шу аснода келишиб «қайдасан, Қўқон?» деб йўлга чиқишди. Ҳақиқатдан ҳам Керим керакли эҳтиёт қисмларни олади. Иши битиб, эшаги сувдан ўтган Керимнинг қайтишда нияти ўзгаради. Дўсти Неъматдан қарзини талаб қила бошлайди. Ёнида пули йўқлигини айтиб Неъмат нақ балога қолади. Дўсти уни бисотидаги «нодир сўзлар» билан ҳақоратлашни бошлайди.

Жанжал билан улар Хўжандга кириб келишади. Овқатланиш учун кафега киришади. Дўстининг ҳақоратларига чидай олмаган Неъмат, бироз енгил бўлиш

ниятида алаmidан ароқдан отиб олади.

Яна йўлга тушишади.

Узику минг андишада қарз олиб эзилган Неъматни ҳақоратлар домида қолиши янаям кўнглини чўктиради. Сабрнинг ҳам чегараси бўлар экан. Неъмат кутилмаганда жahl устида Керимнинг биқинига пичоқ суқиб олади. Дўсти жон талвасасида пичоқни тортиб олишга улгурди. Неъмат эса шартта машинадан тушиб қоча бошлайди. Керим унинг ортдан қўлида пичоқ билан қувади. Неъмат ўзини ҳимоя қилиш учун оёғи остидаги тошлардан олиб отади, биронтасини теккизолмайди.

Ана шундан сўнг Керим дўстини ташлаб, машинасига ўтириб кетиб қолади.

Алимкентда қолиб кетган Неъмат қилиб қўйган ишини ўйлаганида, «ужудига қўрку» қиради. Тошкентда, Самарқандда санғиб юради. Саёқ, юриш жонига тегиб, виждони қийналади. Орадан 10 кун ўтгандан сўнг милиция бўлимига бориб, бўлиб ўтган воқеалар хусусида батафсил маълумот беради.

М. ҲАКИМОВ.

БОШКАДА БИР ЯРИМ ЙИЛ

Баъзи пайтларда одамларнинг идеалист бўлишини жуда-жуда хоҳлаб қоламиз. Амалда эса аросатда қолган тарбиянинг аросатда қолган тарбияланувчилари — бизлар на у ёқлик, на бу ёқлик бўла оламиз. Лекин баъзи нарсалар онгимизнинг туб-тубига синиб кетган. Масалан, материалистик таълимотнинг «материя бирламчи» деган ақидаси. Жисм бирламчи бўлса, демек, уни йўқотсак тамом, ҳаммаси ҳал, деб ўйлаймиз. Ҳолбуки...

Ўтган йилнинг бошларида шаҳар рўзномасида ўттиз ёшлар атрофидаги кўчликкина бир жувоннинг кулиб турган сурати эълон қилинди. Суратнинг ёнида эса эндиликда ҳеч биримизни ҳайратга солмай қўйган сарлавҳа: «Қидирилмоқда». Галя (шартли равишда шундай аталапти. Бундан ташқари воқеанинг бевосита иштирокчилари исмлари ҳам маълум сабабларга кўра ўзгартирилди) 1989 йилнинг декабрь ойида уйдан чиқиб кетган бўлиб, шундан буён йўқ. Унинг онаси берган аризага биноан Сирғали тумани ИИБ қидирув ишларини бошлаб юборди.

Галяни охириги кўрганлар — Вадим, Татарин ва бошқалар чақирлиб сўралди. Натижа чиқмади. Милиция ҳам жон-жаҳди билан изламади, назаримизда. Бир томондан ариза Галя йўқолгандан сўнг бир ой ўтгач тушапти. Албатта, бу қидирувни сустлаштиришга асос бўлмайди, лекин иккинчи томондан, у кейинги пайтларда ичкиликка муккасида кетган бўлиб, уч-тўрт кунлаб уйга келмай қоладиган одат чиқарган эди. Шу сабабли бўлса керак, милиция бир «бузуқ» аёлнинг орқасидан ваҳима қилиб юргиси келмади. Кимнидир топган-у, ўша билан кетган бўлиши ҳам мумкин-да.

Афсуски, бундай эмас экан. Галя йўқолгач, орадан бир ярим йил ўтиб, Татарин милицияга мурожаат қилди. Уни бунга нима мажбур этди, айтиши қийин. «Виждон азоби» деган баландпарвоз гапни тилга чиқаришдан тийилмади. Чунки, шу сабаб кўпчиликнинг юзига изтеҳзоли табассум югуриши табиий. Ҳозирги пайтда ҳеч ким ўзини виждон учунгина жисмоний азобга йўлқитмайди. Айниқса, у қотилликка шерик бўлса.

Хуллас, Татаринни нима милицияга мурожаат қилишга мажбур этганини шарҳлашни ўз зиммализга олмаймиз. Лекин шунини қистириб ўтишимиз мумкинки, бу пайтга келиб Галяни қиди-



риш бирмунча кучайган эди.

Хуллас, ҳали 1989 йилнинг декабрь ойи эди. Озроқ кайфи бор Вадим ва Татаринлар Галянинг уйига келишди. Эшикни унинг қизчаси очди.

— Ойинг қани? — сўради Вадим.

— Чиқиб кетган.

— Келса айт, меникига борсин!

Вадимнинг дала-ҳовлиси шундоққина чегарада қурилган. Ўртадан Чортоқ анҳори оқиб ўтади. Бир томони шаҳарга, иккинчи томони Янгийўл туманига қарайди. Вадим ўша томондаги ерга режасиз уй қургани анҳорнинг бериги томонидан — шаҳарнинг еридан ҳам анчагинасини ўраб олган. Бу учун, албатта, ижрокўмдагилар жавоб беришар, биз эса воқеани давом эттирамиз.

Галя дала-ҳовлига ўғлини етаклаб келди. Ўтиришди. Оз-оздан самогон ичишгач, Татарин билан Галянинг ўғли ўтин ёриб, ҳаммомни иситишди. Сув келтиришди. Чўмилиб чиқишди. Кейин Вадим билан Галя ҳам ҳаммомга кириб чиқишди. Яна ичишди.

Кечқурун Вадим қимматбаҳо нарсалари йўқолиб қолганини сезади. Галяни, «Сени ўғлинг ўғирлаб кетган!» деб уради ҳам. Уларни Татарин ажратиб қўяди. Галянинг ўғлини қачон кетиб қолганини эса ҳеч ким билмайди. Чунки ҳаммаси ғирт маст эди.

Бу воқеалар шанба куни бўлаётган эди. Татарин ва Вадимларнинг таъкидлашларича, Галя уйда сешанба кунигача бўлган. Унинг ўғли Алек кўргазмасида эса, у якшанба куни дала ҳовлига борганини, Татарин уйга киритмаганини ёзади. Улар иккаласининг кўргазмалари бўйича эса уч кун давомида шу ерда бўлишган. Ичишган.

Умуман, уларнинг неча кун бирга бўлиши асосий масала эмас. Асосийси содир этилган воқеа. Уларнинг берган кўргазмалари бўйича эса ўтказилган учала кун ҳам деярли бир хил: «Эрталаб турдик, ичдик. Пешин бўлди, ичдик, кеч бўлди, ичдик...»

Бир пайтлар муаллифлардан бири деҳқонлар учун чиқадиغان рўзномада ишла-

ганида жуда қаттиқ ва ягона талаб қўйишган эди: сўзлар умуман такрор ишлатилмасин. Ҳар қандай шароитда ҳам. Тўғри, журналистдан бундан кўра ақллироқ нарсаларни ҳам талаб қилиш мумкин. Лекин гапимиз ҳозир бу ҳақда эмас. Айтимоқчимизки, ҳаётда шундай нарсалар бўладик, уни талаб билан ҳам, таҳрир билан ҳам ўзгартириб бўлмайди. Қотилликлар ҳақидаги «иш»ларни варақлаб кўринг, уларнинг деярли 90 фоизда «ичдик» деган сўз юз марталаб такрорланган. «Ичиб, ўлдириб қўйдим», «ўлдириб қўйиб, ичдим». Меъдангизга тегиб кетади. Лекин наилож. Буни ҳаёт дейдилар. Таҳрир қилиб бўлмайди.

Хуллас, ўша кун учаласи роса ичишгач, одатдагидек Татарин нариги хонага ётишга чиқиб кетди. Бу хонада эса Вадим ва Галялар қолишди. Оқшом тинч ўтди, шекилли, ҳар қолда Татарин қотиб ухлади. Эрталаб туриб Вадимларнинг хонасига ўтганда ҳали улар уйқу оғушида ётишарди.

«Хонага кирганимда Галя диванда, Вадим эса нарироқда — полда ухлаб ётишар эди. Олдин Вадимни турткиладим. Уйғонмади. Кейин Галяни уйғотишга тутиндим. Унинг қўлини тортганимни биламан, осилиб қолди. Негадир совуқ эди. Кейин чойшабдаги қонга кўзим тушди. Шоша-пиша Вадимни уйғота бошладим: «Тур, Галянинг бадани совиб кетибди. Нимадир бўлган, шекилли...»

Татариннинг кўргазмасидан.

Сезиб турганингиздек, биз воқеада иштирок этмаганмиз. Шунинг учун ҳам ҳамма гапни миридан-сиригача, оқизмай-томизмай ҳикоя қилиш қафолатини беролмаймиз. Сўзларимиз мутлоқ ҳақиқат, деб даъво ҳам қилмаймиз. Фақат айбланувчиларнинг кўргазмаларига асосланиб, воқеани жонлантиришга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Уйқудан турган Вадим довдираб қолди. Иккаласи ҳам нима қилиш кераклигини билмас эди.

— Ҳозир нимадир ўйлаб топамиз.

Ошхонага ўтишиб, бир стакандан самогон ичиб олишди. «Ўзимизга келиш учун» — деб таърифлайди бунга Татарин. Озроққина ўзига келди шекилли, Вадим Татариндан ўликни кўтариб келишда ёрдам беришни сўради. Иккаласи бир амаллаб танани ошхонага олиб келишди. Ювишди (ҳар қолда озроқ бўлса ҳам инсонийликдан ниҳона бор). Кейин яна бошлари қотиб қолди. Одам тирик чоғидагина одам. Ўлгач эса ортиқча юк, холос (тан олиш керак). Бундан ташқари одам мушук эмас, ўлдириб кўчанинг четига ташлаб кетаверсанг. Уларни худди шу нарса ўйлантирди. Нимадир қилиш керак-ку... Яна озроқдан ичиб олишди. Тинчлик замонида душманининг тиригидан ўлиги хавфли ва даҳшатлироқ. Тўғри, Галяни

Вадимнинг душмани эди, деб бўлмайди. Ўлгач эса жуда даҳшатли душманга айландики, иккаласи ҳам унинг олдида нима қиларини билмай оёқлари титрарди.

Ниҳоят кимнингдир миясига «ажойиб» фикр келди. Яқин-ўртада турган 200 литрлик бочканинг оғзини кесиб ташлашди. Цемент қоришдию мурдани буклаб, ўша бочкага тиқишди. «Қўриқиб кетганимдан ўзимни йўқотиб қўйиб, нима қилаётганимни билмас эдим» — дейди кейинчалик Татарин. Мурданинг устидан яхшилаб цементлашгач, у қотгунича яна самогон ичишди. Кейин бочкани ғилдирашиб уй ёнидан оқиб ўтадиган Чортоқ анҳорига ташлаб юборишди. Галянинг кийим-кечаклари эса печкага солиб ёқилди.

Бочка бир ярим йил мобайнида анҳор тубида ётди... Ундан шундоқ ўн қадамлар чамаси наридаги уйда эса бир ярим йил давомида Татарин ва Вадимлар кайфсафо қилишди. Улар ўша машъум воқеадан кейин ҳам ўзаро алоқани узишмаган, ҳамон улфатчилик қилишар эди. Ҳар ўтганда эса қўрқув ва даҳшат билан бочка ётган томонга қараб қўйишган бўлса ажаб эмас. Қанчалар баландпарвоз бўлмасин, барибир виждон деган сўз ҳам борку ва у одамни албатта, тергаб туради. Унинг қийноғи билангина одамлар ўзини сотишмаслигини билсакда, виждон азоби унча-мунча жазодан оғирроқ эканини инкор этмаймиз.

Бочка сув тубида ётаверди. Одамлар эса ўтаверди-қайтаверди. Қишда сув қамайиб қолган пайтларда, муз қотган бочка шундоққина кўриниб қолар, йўловчиларнинг эса у билан иши йўқ. Ҳеч ким қизиқиб ҳам қўймас эди. У нега бу ерда турибди, деб ҳеч ким ўйламади. Бочка ичида цементлаб ташланган мурда эса ириди, чириди. Бир ярим йил мобайнида қуруқ суяклар-ю таъриф тавсифга келишмайдиган эт парчалари қолди, холос.

Ва ниҳоят кўпдан кутилган кун ҳам келди. Уни ҳаммадан кўра кўпроқ Галя кутган бўлса ажаб эмас (цементланган бочкада ётиш, ҳатто ўликлар учун ҳам ўнғай бўлмаса керак). Вадим ва Татаринлар эса мана шундай пайт келишини албатта билишган. Чунки, бочка сувга тушса ҳам йўқолиб кетмаётганлиги уларни ташвишга солмаслиги мумкин эмас эди. Бу нарса бир умр шу ерда ётмаслиги аниқ эди.

Бахтиёр НУРМУҲАМЕДОВ,
Сирғали туман прокурори.

Исмоил ШОМУРОДОВ,
«Постда»нинг махсус мухбири.

СУРАТДА: бир ярим йил ёруғлик кўрмаган вужуд.

(Давоми келгуси сонда).

СИГИР «МАФТУН» ЭТГАНДА

Инсон азал-азалдан гўзалликка, нафисликка ошуфта. Айтайлик, чўғдек ёнибловуллаб турган чаманзор олдида бефарқ ўтолмайсиз. Ҳеч бўлмаса, муаттар бўй таратаётган бир гунча нима маза қилиб ҳидлаб кўрасиз. Ёки ақл-заковатни лол қолдирадиган даражада усталлик билан яратилган санъат асари ҳам эътиборингизни тортмай қолмайди. Соатлаб кўз узолмай қоласиз.

Аммо далада ўтлаб юрган сигирга «мафту» бўлганларини кўрганимиз? Йўқ, дейсизми?

Калинин тумани ички ишлар бўлими ДАН ходимлари — милиция капитани

М. Ғиёсов, милиция катта лейтенанти Б. Хонхўжаев, милиция катта сержанти Х. Ҳантбоевлар шу йил 20 сентябрь кунини Свердлов қишлоқ кенгаши ҳудудида «ЛИАЗ-677» белгилли 15-31 ТНВ рақамли автобусни тўхтатишди. Аммо шофёр қочиб қолишга бир уриниб кўрди. Бефойда.

Қарангки, салонда атиги битта «йўловчи» — қўнғир тусли сигир бор экан.

Ишга ЖКБ ходимлари аралашди. Натижада сигир «Эркин» номли давлат хўжалиги даласидан ўғирлан-

ганлиги маълум бўлди.

Эҳтимол сигирга «мафту» бўлган шахс сизни қизқиртиса керак? Чилонзор туманида истиқомат қилувчи Т. ва М.лар. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Тошкентдаги автохўжаликларда ҳайдовчи бўлиб ишлашади. Жуда ҳам қизиқсангиз, бу «азамат»лар билан суддан кейин яқиндан таништиришимиз мумкин. Ҳозирча узр.

27 сентябрь кунини шу тумандаги Қатортол қишлоқ кенгаши ҳудудидаги Бог кўча, 3-уйда турувчи Урин-

бой Холматов ИИБга юрагини ҳовучлаб кириб келди. Ўзингиз танангизга бир ўйлаб кўринг, уч ва тўрт ёшли иккита сигирини шундоққина уй ёнидан — ўтлаб юрган жойидан олиб кетишадия юракни ҳовучламасликка имкон борми?

ЖКБ бошлиғи, милиция капитани Р. Қайомов ҳамда катта оператив вакил А. Даминовлар зудлик билан ишга киришдилар. Натижада умиди узилган У. Холматов сигирларини кўриб, юрак ҳовучлаган қўлини кўксига қўйди.

— Сизларга минг раҳмат! Бир умр унутмай...

«Сигир»га, йўғе, уни сотиб топиладиган мўмай пулга мафту бўлган М. эса ИИБга келтирилди.

Тергов жараёнида аниқланишгача, Тошкентнинг Чилонзор туманида истиқомат қилувчи бу йигитча муқаддам фуқаро Содикжон Тўлановнинг сигирини ҳам етаклаб кетган экан.

Келинг, мухтарам мухлислар, подадан олдин чанг чиқармайлик. Суд уларнинг «мафтунокорлик» хусусиятларини атрофлича ўрганиб чиқсин. Кейин биз сизларга уларни қўлимизни бигиз қилиб кўрсатамиз.

Р. ҚОСИМОВ.

Донохоннинг икки опаси, тўрт нафар ака-укаси бор. Инилари уйли-жойли бўлиб чиқиб кетишгач, ота-она чироғини ёқиб Донохон қолди. Жигарлари ундан хабар олмай қўйишди. Ёлгон бўлмасин, темирйўлчи акаси йилда бир ёки икки марта ҳол сўраб келиб туради. Уйда ҳеч вақо бўлма-са ҳамки, акаси келган пайларда ҳамма нарсам етарли, ҳеч нима керак эмас, деди.

Ниҳоят тенги топилиди. Турмушга чиқди. Шундан сўнггина ҳаёти бирмунча изга тушди. Бирин-кетин фарзанд кўрди...

* * *

Йиллар ўтди. Донохон ўғил уйлантирди. Тўйига иккинчи акаси Қодирқул ва унинг оиласидан бошқа ҳамма қариндошлари келишди. Донохоннинг Қодирқул билан кўришмаганига қарийб йигирма йилча бўлганди.

Орадан бир ҳафта ўтиб ўша акаси келди. Донохон йўғлай-йўғлай соғ-омонлашди.

— Келинг, акажон, келинг, — дерди ҳадеб сингил. — Ичкарига қирайлик, дастурхон, жой тайёр. Ҳозир чой олиб келаман...

— Овора бўлма, сингил, вақтинчи. Қалай, яхши ўтирибсанми?

— Шукур. Вой, оқсаяп-сизми, нима бўлди, акажон? — дея хавотирланиб сўради Донохон.

— Ҳа, оёғим бир оз кў-карган, — деб ҳорғин жавоб берди Қодирқул ва қўшиб қўйди, — кечир, сингил, тўйингга келолмадим. Мана бунини олиб қўйгин. Юз сўм. Мендан тўёна.

— Йўқ, ака, пулингиз керак эмас. Уни невараларингизнинг у-бу харажати-ишлатинг. Фақат шу уйда бир жигарим бор, дея йўқ-лаб турсангиз бўлгани.

Донохоннинг кўнгли тўлиб кетди. Қийинчиликларга кўнликкан эмасми, ўзини дарров босиб олди. Акасини дастурхонга шунча таклиф қилса-да, унамади. Унинг устига акаси ҳоли-жонига қўймай, тўёнани олдириди. Кейин қиблага юзланиб, ўтганлар арвоғига қўрьон тиловат қилди-да, «оллоху акбар» дея икки нафти билан юзини силаб, сингилсин билан хайрлашди.

* * *

Донохон бозорга кета-тиб дўкон олдида турган акасини кўриб қолди. Қодирқул дўкончи ошмаси билан гаплашиб турарди. Аммо Донохон етиб келгунча у кетиб қолди. Дўкон-чига салом бериб, акасини сўради.

— Қодирқулми? — сўради сотувчи ва гапида давом этди. — у мендан ўзининг анчагина иш ҳақини олиб кетди. Хитойга ўтиб кетаман, дейди.

«Хитойга ўтиб кетаман? У нима дегани?» Донохоннинг вужуди қийноқда қолди. Юрса ҳам,

турса ҳам, бирон иш қилса ҳам акасини ўйлар эди. Туни билан ухлолмай, тўлғониб чиқди. Эрталаб акасининг ишхонасига йўл олди. Суриштирди. Йўқ. Бир домла акаси билан яхши алоқада эканлигини эшитгач, унга учрашди.

— Уч-тўрт кундан бери кўринмади, — деди домла.

— Амаки, илтимос, уйига бориб хабар олайлик. Юрагим жуда нотинч, — дея ялинди Донохон.

Етиб келишгач, дарвоза кўнғирогини босишди. Ичкаридан Қодирқулнинг хотини чиқди. Чикдию нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган домланинг ёқасига ёпишди.

— Эримни нима қилдинг? Топиб бер! — деб қичира бошлади.

Домла машина томон тис-

БЎЛГАН ВОҚЕА

ДИЛОЗОРЛАР

ланар экан, Донохонга дарров машинага ўтиришни имо қилди.

Лекин кўнғилсизликнинг зўри кечқурун бўлди. Қўнғироқ овозини эшитиб янги тушган келин билан баробар Донохон ҳам ҳовлига отилди. Дарвозани очиб қарашса, уч нафар киши турибди. Улар Қодирқулнинг ўғиллари — Донохоннинг жиянлари эдилар. Донохон жигарбандининг фарзандларини уйига таклиф қилиб, балого қолди.

— Хей, ифлос! — дея таҳдидланди жиянларидан бири. — Сен уйимизга икки маротаба бекорга бормадинг! Адамни уйингга беркичи олиб, биздан сўраганинг нимаси, ифлос! Ҳозироқ адамни олиб чиқмасанг, кунингни кўрсатаман.

— Менга деса ўлиб кетмайдими, — деди Россияда командировкада бўлиб қайтган иккинчи ўғил. — Фақат правам адамнинг чўнтагида эди. Уша правамни берса бас!

Бунақанги юзсизларча, орсизларча тўполонни эшитмаган ва кўрмаган янги келинчақ кўрқиб уйига чопди ва турмуш ўртоғини ёрдамга чақирди. Меҳмоннали ҳовлига чиққанда, ойисининг овозини эшитди:

— Машойхлар айтган эканки, агар ўз отанг тўнғизга айланиб ўрмонга кириб кетган бўлса, атрофини гир кўрғон қилиб, ёввойи ваҳшийлардан қўриқлагин, деб. Дадаларинг қўли гул уста. Ишлай-ишлай сенларни уйлаб, сингилларингни турмушга узатди.

Ўзи пенсияда бўлса яна нима қилиб бериш керакки, сендек фарзандлари ичиб келганлигини рўқач қилиб оёғини кўкартирасанлар? Гулдек ҳунари бор экан, пул ишлабди. Ичса ўз пулига бироз ичгандирда. Маст бўлиб тентираб юр-

маса, бировга зиён-заҳмати тегмаса, гандираклаб ёки сўз билан бировларнинг дилини оғритмаса. Сенларни, фақат сенларни деб қартайган чоғида ўз падарларингга қўл кўтара-санларми?! Сенга эса, — деди Донохон иккинчи жиянга, — права керакми. Ёки ош-нон бериб катта қилган ота?

Донохоннинг юраги санчиб ўтириб қолди, келини суяб ичкарига олиб кирди. Дори-дармон қилиб гирдиқалалак бўлди.

Лекин Донохоннинг дилини вайрон қилиб кетган жиянлари ярим тунда яна келишди. Бу сафар уларнинг бошлари эгик эди.

— Амма, — дея гап бошлади катта жиян, — бизни кечиринг, ноҳақ эканмиз.

— Кетларинг, — деди зўр-

ға Донохон, — иккинчи бор юзларингизни кўрмай. Эртаси кунни бўлган кўнғилсизликлар олдида аввалгилари ҳолва экан. Донохоннинг уйига ўттиз йилдан бери қадам босмаган катта акаси кириб келди.

— Ҳой, Доно, — деди у салом-алиқдан сўнг, — тинч юрасанми ўзи, йўқми?

— Нима гап, тинчликми? Мен не қилибман?

— Қодирқулни сўраб уйига борибсан. Нима қилардинг? Нега унинг ишига аралашасан?

— Э, ҳа, гап бўёқда эканда, — деди сингил, — дилимни пора қилмаган биргина сиз қолувдингиз. Неча ўн йиллар ҳолинг не деб сўрамадингиз. Тагингизда машина. Эгингиз бут. Мақсадингиз нима?

— Сен мендан хафа бўлма. Қодирқулнинг ўғиллари оталарини топиб беришни талаб қилиб ҳоли жонимга қўйишмади-да.

Шундай дея ака кетди. Донохон эса ўйларди.

«Мусулмон одатига кўра ҳар бир ота-онанинг ўғлини уйлаши, бўйи етган қизини эрга бериши олдида-ридаги бирдан бир вазифаларидир. Агар ота-онанинг ўнта фарзанди бўлсаю, олти нафарини уйлаб, узатиб, вафот этишса, қолган тўрт нафарининг тўйини ўтказиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш энг катта ака ёки опанинг гарданига тушиши керак. Шундагина ўртада низо, гина-кудурат бўлмайди. Менинг акамчи. Ундай эмас. Уф...»

Донохонни яна бир совуқ хабар кутарди. У кейинги кунларда қон қусар, овқат томоғидан ўтмасди. Устига-устак юраги ўқтин-ўқтин санчарди. Катта акасининг ташрифидан сўнг касали оғирлашди. Бирдан-бир меҳрибонлари ўғил-қизию, келини. Янги уйланган ўғли

келибоқ Донохонни кулдиришга ҳаракат қилади. Келини ҳам бахтияга ақлли, одобли, тарбияли бўлиб чиқди. Жуда меҳрибон. Лекин барибир қувончига дарз кетган; акасининг сирли йўқолиши ҳеч тинчлик бермасди.

«Ёшини яшаб, ошини ошаган одам чет элда нима қилади. Ёшлиқда чет элни орзу қилмаган, қариганда бирдан кўнгил тусайдими? Йўқ, бу ерда бошқа бир сир бор». Донохон шу хаёллар оғушида шифохона томон кетаётганда, бир жувон тўхтатди. У Донохон билан кўришди-да, худди томдан тараша тушгандек деди:

— Вой, эшитдингизми, Қодирқул акангиз қазо қилибдилар. Соат 12 да чиқаришармиш.

— А, — дедию Донохон бўшашиб қолди, оёқлари қалтираб, юрагини қандайдир кучли панжалар сиқува ола бошлади. Зўрға «сув» дедию шилқ этиб ўтириб қолди. Аёл келтирган сувдан ичди.

Уйига етиб келгач, турмуш ўртоғи, келину ўғилларини воқеадан хабардор қилиб, тез отланишларини айтди.

Кечагина жиянларига жаҳл қилиб, уларнинг уйига умробод қадам қўймасликка аҳд қилган Донохон мана энди бугун аҳдини бузаяпти. Келин аясию жиянлари юзини бошқа кўрмасликка қасам ичган Донохон мана бугун бу қасамга ҳам зид борапти. Чунки бир қориндан талашиб тушган қондош жигарини сўнгги бор кўриб қолиш ҳар қандай аҳддан, ҳар қандай қасамдан устунроқ эди.

Марҳумнинг уйи олдида ўғиллари, куёвлари тўн ки-йиб, белбоғ боғлаб қатор туришганини кўрдию, ичидан зил кетди. Уйга кириб тобутнинг бош томонига ўтди. Акасининг юзига юзини қўйиб, ўқиб-ўқиб йўғлади. Айтиб-айтиб йўғлади. Йўғлай-йўғлай ҳушидан айрилди. Уни ташқарига олиб чиқиб кетишди.

* * *

Кейин маълум бўлишича, Қодирқул дўкончи дўсти ёнидан кетган куннинг ўзидаёқ вафот этган экан. Кимсасиз қайрилишдан ўтаётганда катта тезликда келатган машина уни уриб йиқитган. Номард ҳайдовчи жавобгарликдан қўриқиб, ёрдам бериш ўрнига қочиб қолган. Ўткинчилар тез ёрдам чақиритган. Ёнида ҳужжати бўлмаган жасадни ўликхонага юборишган. Медицинадан хабардор қариндошларидан бири эса уни ўша ердан топган.

* * *

Ўз акасининг маросимларига Донохон ҳам, унинг эри ҳам, болалари ҳам қатнашмасликни маъқул кўришди. Нима учун бундай қарорга келишганини фақат Донохоннинг ўзи билади.

Мўйдин СЎФИ.

ПОКЛИК КАРОМАТИ

Анча вақт бир-бирини синаб юрган севишганлар ниҳоят бир-бирига етишибдилар, қовушибдилар. Орадан маълум вақт ўтгач, келиннинг кўзи ёрибди. Бунини қарангки, бир эмас, икки нафар ўғил кўрибди. Кўнлар, ойлар, йиллар ўтаверибди. Ҳасан-Ҳусанлар юмалаб-ўрмалаб, туртиниб-суртиниб юрадиган бўлган вақтда ота узоқ сафарга отланибди.

— Онаси, — дебди эр сафар олдида сеvimли умр йўлдошига, — болаларини сенга, сени эса худога топширдим. Келгунимча уларнинг ейиш-ичишига яхши қараб, эҳтиёт қилгин.

Орадан бир неча ой ўтибди. Турмуш ўртоғи келадиган вақтдан бир кун олдин Ҳасан-Ҳусанлар ҳовлида бир-бири билан қувлашиб, чугурлашиб юришар, ёл эса тикув ишлари билан банд эди.

Кутилмаган нохушлик юз берди. Ҳусан ҳовуз бўйида югуриб кетаётган қоқилдими, ҳовузга йиқилиб, чўка бошлади. Ҳасан укасининг кийимидан ушлаб тортиб олмақчи эди, ўзини сувга тушиб гарқ бўлди.

Болаларининг оёқ товушлари, овозлари тиниб қолганидан хавотирланган она ишларини ташлаб ҳовлига чиқса, болалари йўқ. Бироз каловланиб қолди. Кўзи суви лойқаланиб қолган ҳовузга тушибди. Фарзандларининг кийими сув юзасига бир чиқиб, бир ботиб турганини кўрибдию, даҳшат ичида қолибди. Онаизор уларни сувдан тортиб олганида иккови ҳам ҳалок бўлишган экан. Муштипар соч юлибди, кўксини тилибди, зурриёдарининг жасадларини юзиб-тараб қалингина жойга ёнма-ён ётқизибди-да, устига чойшабин ёпибди.

Эртаси кунни узоқ сафардан турмуш ўртоғи қайтиб келибди.

— Ҳўш, қандай ўтирибсизлар! — сўрабди эр қуюққина салом-алиқдан сўнг.

— Шукур, яхши, — деб жавоб берибди хотини.

— Болалар қани, кўринишмайди!

— Улар уйқуда, — дебди хотини.


— Қани, сув тайёрланг, таҳорат, тоат-ибодат қилиб олай. Кейин фарзандларининг покиза юзларини кўрай, — дебди эр.

... Ота-она фарзандларни устидаги чойшабин олишди. Жасокни болакайларининг кўзлари очиб, жиямайганча туртишарди.

— Епирай! — деб юборди онаизор ўзини тўтотмай. — Бағим, бу не сир-синаотки, неча кудуқча тушиб ҳалок бўлган фарзандларингиз сизнинг қаршингизда жиямайиб туришсал! Қандайини каромат!!

... Бу қадимги ривоятлардан бир парча, холос. Хулоса чиқариш эса сизнинг ҳукмингизга ҳавола.

Х. ХОЛМУҲАМЕДОВ.



Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни
босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, муҳбирлар бўлими — 59-26-56, умумий бўлими — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан 26399 нусхада чоп этилди.